O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 4 июль, № 129 (4282) Чоршанба

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАМКОРЛАРИ ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июль куни Оқсаройда Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясини қабул қилди.***

— Биз араб дунёси молиявий ташкилотлари билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ушбу нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ва унинг доирасида ўтаётган мажлис кўп томонлама манфаатли натижалар билан якунланишига ва эришилган келишувлар истиқболда катта самаралар беришига ишонамиз.

Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси ва Абу-Даби тараққиёт жамғармасини бирлаштирувчи Араб мувофиқлаштириш гуруҳи қатор мамлакатлардаги турли устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун шу кунгача жами 75 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратган. Шундан Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжон ҳиссасига бир миллиард доллар тўғри келади. Бу миқдорни ошириш учун имкониятлар катта. Гуруҳ делегацияси Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларидаги лойиҳаларни кўриб чиқиб, амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Гуруҳ эътиборига жами 26 лойиҳа тақдим қилиниши мўлжалланган.

Мазкур тузилмалар орасида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон билан анча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келади. ИТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2003 йилда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Бу Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Абу-Даби Амирлиги ва ОПЕК жамғармалари вакилларининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир. Бу мамлакатимизнинг молиявий шериклари сони ортаётганидан ва айни пайтда араб дунёсида Ўзбекистон билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш ошиб бораётганидан далолатдир.

Делегацияга Ўзбекистоннинг яна бир муҳим ҳамкори – Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти Ликун Жин ҳамроҳлик қилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга юксак баҳо бердилар. Самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Суҳбат чоғида мазкур тузилмалар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

***Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 3 июль куни Ўзбекистонга келди.***

## СЕРГЕЙ ИВАНОВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Юқори мартабали меҳмоннинг 4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниши, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш мўлжалланган.

**(ЎзА).**

***Президентимиз ташаббуси билан асос солинган, мамлакатимизда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг довруғи бугун бутун дунёга маълум. Чунки ушбу фестиваль нафақат бебаҳо қўшиқлар янграйдиган, шу билан бирга, дунёнинг манаман деган санъаткорлари ошиқадиган жозибадор анжуман сифатида тан олинган. Бунда ўнлаб хорижий юртлардан ташриф буюрган санъат усталари Регистон майдонида ўз хонишлари ила дилларга чўғ солади. Бунда ижро этиладиган қўшиқлар қайси тилда жаранглашидан қатъи назар, уларда инсонийлик, муҳаббат, тинчлик тараннум этилади.***

## ЯНГРА, ЯНГРА ШАРҚ ТАРОНАСИ!

**Нигоҳ**

— Ушбу нуфузли анжуман бу гал олтинчи маротаба ўтказилади, — дейди "Шарқ тароналари" VI Халқаро мусиқа фестивалининг ижрочи директори Сайдамин Аҳроров. — Эътиборлиси, мазкур қўшиқ фестивали бошланганига бу йил ўн йил тўлади. Жаҳон халқлари нигоҳини юртимизга қаратган фестиваль истиқлолимизнинг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланадиган кунларга тўғри келади. Фестивалга дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларидан санъаткорлар иштирок этиши кутилаяпти. Шунингдек, халқаро маданият ва санъат жамғармалари раҳбарларининг ташриф буюриши ҳам назарда тутилмоқда.

***Жаҳон санъат аҳлининг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарга ташрифидан кўзланган мақсад фақат қўшиқ айтиш эмас, балки дийдорлашиш, меҳрга, муҳаббатга талпиниш орқали дунё халқларини бирдамлик ва аҳилликка ундашдир.***

— Фестивалнинг маънавий таъсири беқиёс, — дейди шарқшунос олим Комилхон Каттаев. — Турли минтақалардан келадиган меҳмонларнинг шодон чеҳраси қалбларда эзгулик ниш ураётганлигини кўрсатади. Анжуман баҳона халқларнинг дўст-биродар тутинаётганлигида катта ҳикмат мужассам, деб ўйлайман. Бу ҳикмат яна шунда кўринадики, айни таҳликали замонда бундай фестивални мунтазам ўтказишга ҳар қандай юртда ҳам азму қарор қилинавермайди. Бунинг учун қалбда шижоат, санъатга нисбатан чексиз муҳаббат ва ҳурматдан ташқари ватанпарварлик, тинчликсеварлик хислатлари жо бўлиши лозим. Бундай байрамларимизни кўролмайдиганлар, ҳасад қиладиганлар оз деб ўйлайсизми? Ундайлар бизнинг эзгу интилишларимизга тўсиқ бўлолмайди. Асрлар давомида шаклланган удумларимиз, санъатимиз орқали дунёга «Тинчлик» деган сўзни тараннум этамиз. Бунга Президентимиз йўл очиб бердилар. Ушбу йўл эзгулик манзилига элтиши муқаррар бўлгани учун ҳам дунёнинг номдор санъаткорлари биз билан жўровоз бўлишга интиқ.

— Уйимиз шундоққина Регистон майдони қаршисида жойлашган, — дейди санъат мухлиси Жаъфар П латов. — "Шарқ тароналари"ни оиламиз билан бирга кузатамиз. Ҳар гал хорижий мамлакатлар санъаткорларининг номлари эълон қилинганда, ҳаяжонланиб кетаман. Тўғрисина айтсам, ўзбекистонлик эканлигимдан, шундай улкан санъат базми Самарқандда ўтказилаётганидан фахрланаман. Юртимиз тинч бўлсин-у, яхши кунларимиз кўпаяверсин. Бундай тантаналар қанча кўп бўлса, тинчлик ва дўстлик шунчалик мустаҳкамланаверади.

— Регистон — табаррук жой, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев. — Бунда сеҳр бор, оҳанрабо мужассам. Қўшиқ анжуманига ташриф буюрувчи меҳмонлар қаторида мен ҳам бир нарсадан ҳайратда қолганман. Майдонда овоз шу даражада чиройли акс-садо берадики, буни энг замонавий мусиқа асбоби ҳам чиқариб беролмайди. Дуо кетган, деганлари аслида мана шу эмасмикан?!

Бобораҳим Машрабнинг "Сетор деманг, ҳоли дилим сўрғувчи танбур" деб бошланадиган ғазалини куйга солиб, элга танилган хонанда Баҳодир Сирожиддинов эса фестивалнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди:

— Баъзи санъаткорлар Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бобур, Бедил, Машраб ва бошқа шу каби алломаларнинг ғазалларидаги маънони тушунмасликдан нолийди. Тили оғир, дейди. Лекин ғазал куйга солиниб, ижро этилгач, ундаги маъно тингловчига ўзгача таъсир қилади. "Шарқ тароналари"да нафақат ўзбек мумтоз қўшиқлари, шу билан бирга, хорижнинг мумтоз қўшиқлари ҳам янграйдики, бунда ҳеч бир сўз мавҳум қолмайди. Ҳаммаси тушунилади. Демак, фестивалда янграйдиган қўшиқлар бугун етишиб чиқаётган кўплаб ёш ижрочилар учун мактаб вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, фестивалнинг ҳар жиҳатдан аҳамияти беқиёс. Унинг дунё узра қулоч ёзаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, "Шарқ тароналари" жаҳон халқларини бирлаштирувчи, тинчлик-хотиржамликни, дўстликни баралла мадҳ этувчи тантанадир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

***Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида 3 июль куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик, идора ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида мажлис бўлиб ўтди.***

## АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МАЖЛИСИ

Унда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари – Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу-Даби тараққиёт жамғармаси ва Осиё тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Зеро, нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Юртимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилган. Анжуманда меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусий-

(Давоми 2-бетда).

# ДАРЁ ИРМОҚЛАРДАН БОШЛАНАДИ

***Кейинги вақтларда қорақалпоқ диёри ҳақида гап кетганда, баъзиларнинг кўз ўнгида қуриётган Орол денгизи жонланадиган бўлиб қолган. Билмаган одам бу ўлкани ҳамон ана шу муаммо теварагида ўралашиб ётган, анча файзсиз маскан деб тасаввур қилади. Дарҳақиқат, жафокаш денгизнинг азалий соҳилини тарк этиб, анча ичкарилаб кетгани-ю, минтақада экологик муаммолар юзага келганлигини инкор этиб бўлмайди. Лекин нима бўлганда ҳам, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Инсон ҳар қандай машаққатларни енгиб, мудом олдинга интилади.***

*Водийларни яёв кезганда...*





Қорақалпоқ элида ҳам бугун манзара ижобий томонга ўзгарган. Мустақиллик шарофати республиканинг ҳар бир шаҳар ва овулларида намоён бўлмоқда. Энг муҳими, Қорақалпоғистон иқтисодиёти ҳам тараққиёт йўлига тушиб олган. Бу борада келгусида эришилиши кутилаётган натижалар ҳисоб-китоби янада қувонарли. Президентимизнинг яқинда Қорақалпоғистонга сафари чоғида кечган самимий учрашувлар, у кишининг қорақалпоқ халқига бўлган доимий эътибори одамларга ўзгача руҳ бағишлаганига гувоҳ бўлдик. Оддий деҳқонлардан тортиб, зиёлилар даврасида ҳам Юртбошимиз сафари билан боғлиқ илиқ фикрларни эшитиш мумкин.

Қорақалпоқлар — табиатан ғурурли халқ. Ўзларининг яхши фазилатлари билан фахрланишни хуш кўришади. Мустақиллик йилларида бу заминда ҳам кўз-кўз қилгулик ютуқларга эришилаяпти. Ўтган йили Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши каттаю кичикнинг қувончига сабаб бўлди. Ахир, ушбу саноат гигантининг маҳсулотига бутун Ўзбекистон кўз тикиб турган эди! Нукус шаҳрида ҳам кўзни қувнатадиган муҳташам иморатлар, равон кўчалар ва сўлим хиёбонлар қад ростлаяпти.

Қорақалпоқлар меҳмондўстликни ўрнига қўйишади. Нукусга ташриф буюрган қўноқларни И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейига олиб боришади. Шаҳар марказида Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган мазкур ҳашаматли музей том маънода шаҳарнинг кўркига айланган. Бу ерда сақланаётган тўқсон мингдан зиёд ноёб экспонат Оролбўйи заминининг қадимги тарихи, қорақалпоқ халқининг бой маданияти ва санъати ҳақида ҳикоя қилади.

Уч қаватли бинонинг кенг, ёруғ залларида намойиш этилаётган ўтмиш ёдгорликлари кишини беихтиёр ҳайрат кўчасига етаклайди. Санъатшунос Улбўсин Ўтегенова ҳамроҳлигида музейни кўздан кечирарканмиз, ўзимизни олис тарих бағрига тушиб қолгандек ҳис қилдик. Археология бўлимидан ўрин олган қадимги Хоразм давлатининг харитасида Амударё этакларидаги кўҳна тамаддун излари акс эттирилган. Бир вақтлар бу ерда маданият, деҳқончилик гуллаб-яшнаган. Зардўштийлик, будда, христианлик эътиқоди ёнма-ён амал қилган. Кейинчалик муқаддас Ислом дини ривож топган. Спитамен, Тўмарис сингари халқ қаҳрамонлари етишиб чиқққан...

Қорақалпоқ қизларининг миллий либоси бўлмиш кўк кўйлак музейнинг ноёб экспонатларидан бири саналади. Пахтадан тўқилиб, ипакдан нафис безаклар ишланган бундай

(Давоми 2-бетда).

# МУБОРАКДА ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзуида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

«Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари — жиноятчиликка қарши!» шиори остида ташкил этилган ушбу тадбир иштирокчилари она-заминимизда яшаб камол топаётган ҳар бир миллат вакили учун шу муқаддас Ватанни эъзозлаш, истиқлолни, тинчликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурч эканини таъкидладилар. Она-юрт, тинчлик мадҳи таниқли санъаткорлар ва ёш эстрада хонандалари ижросида турли тилларда янграган куй-қўшиқларда тараннум этилди. Шунингдек, вилоят ички ишлар органлари ходимлари, ўзбек спорти довруғини жаҳонга таратаётган ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди.

Форум доирасида ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини ифода этувчи миллий либослар, таомлар, ҳунармандчилик, қандолатчилик, дурадгорлик ва тикувчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир якунида мустақилликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ меҳнат фидойиларига фахрий ёрлиқлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакилларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова қатнашди.

**А. МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

**Қизилтепа туманидаги Тошробод қишлоғи тобора гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда сўнгги йилларда касб-ҳунар коллежи, иккита қишлоқ врачлик пункти, учта мактаб, ўндан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, деҳқон бозори қад ростлади.**



## Фермернинг эзгу ишлари

■ Ўн мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда юздан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. "Раимбобо" фермер хўжалигини тадбиркор Даврон Душамов бошқаради. Фермернинг тинимсиз изланиши, самарали меҳнати туфайли ҳар йили 17 гектар майдондан мўл ғалла ва пахта ҳосили олинмоқда.

Фермер "Тошробод гузари"ни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшди. Бу ерда гўшт, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари дўконлари, ошхона, сартарошхона, телерадио устахонаси ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Натижада 25 нафар киши иш ўрнига эга бўлди.

## Вахшиворнинг шифобахш суви

***Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги "Метин-Малик" хусусий корхонасида "Оби Вахшивор" маъданли сувини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

■ Корхонага ўрнатилган замонавий технология бир соатда 2 минг литр булоқ сувини қадоқлаш қувватига эга. Бу ерда тоғли Тўхтамиш қишлоғидан 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

— Вахшивор тоғи бағридан сизиб чиқаётган шифобахш булоқ суви ошқозон-ичак, буйрак ва жигар хасталикларини даволашга ёрдам беради, — дейди хусусий корхона раҳбари Абдухолиқ Абдураҳмонов. — Корхонамизда қадоқланаётган маъданли сув харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотимизни экспорт қилиш бўйича ҳам таклифлар билдирилмоқда. Йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ўттизта янги иш жойи очишни мўлжаллаганмиз.

## Сиҳатгоҳга йўлланма

■ Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида олтмишдан зиёд меҳнат фахрийларига, кам таъминланган оила вакилларига соғлиқларини тиклаб олиши учун "Турон", "Чинобод", "Ботаника", "Оқтош", "Бўстон" сиҳатгоҳларига йўлланма берилди.

Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишича, ушбу хайрли тадбир давом этади ва ёз мавсумида яна 250 нафарга яқин кекса ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамюртларимизга сиҳатгоҳларда дам олиш учун йўлланма ажратилади.

## «Бунёдкор» ёшлар Тангатопдида

■ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимида Жиззах давлат педагогика институти ҳамда политехника институтининг энг илғор талабаларидан иборат "Бунёдкор — 2007" меҳнат отрядлари ташкил этилди. 432 нафар талабадан ташкил топган ушбу отрядларнинг бир қисми Бахмал туманининг энг олис қишлоғи — Тангатопдига жўнаб кетди. Бу ерда касб-ҳунар коллежи бунёд этилади.

## «Қайтарилган бойликлар» кўргазмаси

***Термиз археология музейида "Қайтарилган бойликлар" деб номланган кўргазма очилди. Унинг бундай номланиши бежиз эмас.***

Музейнинг нумизматика бўлимида ташкил қилинган мазкур кўргазмада Сурхондарё божхона бошқармаси ходимлари томонидан хорижга олиб чиқиб кетилаётган пайтда ушлаб қолинган кумуш буюмлар ва тангалар намойиш этилмоқда.

Унда XVIII-XIX асрларда зарб қилинган 90 дона кумуш танга, қимматбаҳо тошлар билан безатилган кумуш тақинчоқ, зебигардонлар, ханжар ва найзалар, тасбеҳ, кулдон ва чилимлар, тилла суви юритилган туморлар, мисдан ясалган нафис безакли офтоба ҳамда чироқлар ўрин олган.

## Болаликнинг рангин олами

**Жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилаётган "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи якунланди.**

■ Урганч шаҳридаги Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғида ўтган танловда барча шаҳар ва туманлардан йигирмадан зиёд ўғил-қиз мусаввирлик маҳоратини намойиш этди.

Болаликнинг ўзига хос рангин олами, она-Ватан, табиат манзаралари акс этган суратлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Айниқса, Урганч шаҳридан Иқболой Йўлдошеванинг мойбўёқда чизган суратлари ҳайъат аъзолари ва томошабинлар томонидан юқори баҳоланди ва олий ўринга муносиб топилди. Шовотлик Чингизбек Қурбонбоев, Гурлан туманидан Муроджон Мискинов, хивалик Иномжон Солаев, Урганч шаҳридан Чи-Тун-Жи Анжелика ва Қўшкўпир туманидан Алишер Ражабовнинг суратлари ҳам барчага манзур бўлди.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***



# ДАРЁ ИРМОҚЛАРДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўйлакни тайёр ҳолга келтириш учун бир неча йил вақт талаб этилган. Кўк кўйлак бўй қизлар келинлик сарпосининг безаги саналган.

— Ўн тўққизинчи асрда тўқилган мана бу кўк кўйлакнинг матоси ҳозир дунёда урф бўлган жинси матосига ўхшаш бўлиб, чидамлилиги жиҳатидан ундан устун туради, — дейди ҳамроҳимиз. — Америкаликлар жинсини биз ихтиро қилганмиз деб ғурурланиб юришаркан. Хориждаги кўргазмалардан бирида улар бизнинг кўк кўйлакни кўргач, таажжубланиб қолишди.

Музейда қадимий ёзувлар намуналари, суғорма деҳқончилик, илм-фан, халқ ҳунармандчилиги санъати ва бошқа соҳалар тараққиёти тўғрисида ҳикоя қилувчи қимматли ашёлар билан ҳам танишиш мумкин. Бу ерда қорақалпоқ санъат усталарининг асарларидан тортиб, рус тасвирий санъатининг нодир намуналаригача жамланган. Ушбу музейни Нукус бағридаги бебаҳо гавҳарга менгзаш мумкин.

Қорақалпоқ маданий ҳаёти билан боғлиқ яна бир воқеа бизни қувонтирди. "Қорақалпоқфильм" киностудияси ижодкорлари Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли ёзувчи Тўлепберген Қаипбергеновнинг "Қорақалпоқ достони" трилогияси асосида кўп қисмли фильм яратиш тараддудида эканлар. Таниқли ёзувчи ва кинодраматург Муротбой Низанов асар асосида адабий сценарий ёзишга киришган.

Яқинда киностудия бадиий кенгашида фильмнинг дастлабки қисми сценарийси муҳокама қилинди. Бадиий кенгашда ўқилаётган асар воқеаларига қулоқ солиб ўтириб, қорақалпоқ адабий тили нечоғли жозибадор эканлигини ҳис қилдик. Қаҳрамонларнинг тили ниҳоятда равонлиги, халқона мақоллар, қочиримлар, ўхшатиш ва муболағаларга бойлиги билан кишига завқ бағишлайди...



Муҳокама қизғин кечди. Киноқиссанинг ютуқлари билан бирга, айрим камчиликлари ҳам айтилди, уни янада бойитиш юзасидан ўринли таклифлар билдирилди. Бугун мамлакатимизда миллий сериаллар яратиш масаласига катта эътибор берилаётган бир пайтда бу ташаббус ҳам айни муддао эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 16 мартда эълон қилинган "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва шу асосда қабул қилинган ҳукумат қарори "Қорақалпоқфильм" ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Айни пайтда киностудияда давлат маблағлари ҳисобига ҳар йили ўнлаб ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратилмоқда. Қорақалпоқ диёрида кечаётган оламшумул ўзгаришлар, ўлканинг бой тарихи, маданияти ва одамлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур фильмлар қизиқарлилиги, бадиий савиясининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Қорақалпоқ фильмлари халқаро кинофестивалларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Мисол учун, "Қудуқ" фильми 2005 йили Испаниянинг Бильбао шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалнинг кумуш совринига лойиқ топилган эди. "Фидойилар" фильми ҳам бир қатор нуфузли кино анжуманларида эътироф этилди. "Ўзбекфильм" киностудиясида М. Низанов, Т. Қалимбетов, Д. Абдуллаевлар ижодий ҳамкорлигида яратилган "Танка" комедияси ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси давлат мукофотига сазовор бўлганлиги ҳам шундан далолат беради.

Элликқалъа — Қорақалпоғистон Республикасининг довруқли туманларидан бири. Мовий Ақчакўл бўйида қад ростлаган Бўстон шаҳрининг ҳусну таровати кишини лол қолдиради. Чин маънода чўл бағридаги бўстонга айланган бу масканда бир-биридан чиройли бинолар, боғ ва хиёбонлар, равон кўчаларни кўриб, бахри-дилингиз очилади. Шаҳарда бир нечта кўркам коллеж ва лицейлар ёнма-ён қад ростлаган. «Талабалар шаҳарчаси» деб аталувчи бу мазкур маскан ораста кийинган, дафтар-китоб қўлтиқлаган ёшлар билан гавжум. Имтиҳон палласи бўлганлиги боис барчанинг чеҳрасида алланечук ҳаяжон изларини сезиш мумкин.

Дарвоқе, яқинда Элликқалъа тумани ўзининг ўттиз йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига биноан яратилган ҳужжатли фильм тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Элликқалъа туманининг ташкил этилиши тарихи, истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. "Шу чоққача Бўстонни Ўзбекистоннинг Женевасига қиёслашарди, энди бемалол Женевани Швейцариянинг Бўстонига менгзасак ҳам бўлаверади", — дея лутф қилади фильмда интервью берган атоқли шоиримиз.

Бу шунчаки йўлига айтилган шоирона муболаға эмас. Бўстон шаҳрини бир бор ўз кўзи билан кўрган киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Нукусга қайта туриб, йўлйўлакай ҳазрат Султон Увайс қадамжосини зиёрат қилдик. Бу муқаддас масканда ҳам катта ҳажмда қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилган. Бу ерга келаётган зиёратчиларнинг кети узилмайди...

Чўл бағрини тилиб ўтган равон йўлдан кетаяпмиз. Ўнг томонда ястаниб ётган қақроқ даштнинг бир чеккаси Қоратов тизмаларига туташиб кетган. Сўл тарафда эса экинзорлар, боғ-роғлар билан қопланган ям-яшил водий сулув келинчакдек ороланган. Аҳён-аҳёнда улар орасидан Амударё ҳам кўзга ташланиб қолади. У олис йўл босиб, толиққан йўловчи каби вазмин оқади. Тарихий манбаларда "Жайҳун" – "Асов дарё" деб номланган дарё шарофати билан минг йиллар давомида бу ерда ҳаёт гуллабяшнашда давом этаяпти. Дарё соҳилидаги баланд тепалик устида қад ростлаган қадимий Чилпиққалъа харобалари ўтмиш ва келажак ҳақида тафаккур қилаётган кекса донишманд сингари сукутга толган...

Дарё ирмоқлардан бошлангани каби, бундай манзаралар бирлашиб, мамлакатимизнинг яхлит, улуғвор қиёфасини ҳосил қилади. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида беқиёс ўзгаришлар, оламшумул янгиликлар юз бермоқда. Назаримизда, кўз ўнгимизда содир бўлаётган мустақиллик мўъжизаларига ҳам оддий нигоҳ билан қарашга одатланиб қолганга ўхшаймиз. Гўёки ҳамиша шундай бўлиб келгандек, шундай бўлиши шартдек... Аслида, дўппини бошдан олиб, чуқурроқ ўйлаб кўрсак, буларнинг ҳаммаси қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган улуғ бир неъмат эканлиги аён бўлади. Айниқса, юрт кезиб, одамлар ҳаёти билан яқинроқ танишганда, бу ҳол яққол ойдинлашади. Қорақалпоқ сафаридан қайтарканмиз, хаёлимиздан ана шундай ўй кечди.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД.**

# АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришларга юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва ИТБ икки томонлама ҳамкорлик баробарида, минтақа миқёсида кўп томонлама асосда ҳам мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Бу борада Афғонистонда коммуникация тармоқларини барпо этиш, таъмирлаш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро лойиҳа — Трансафғон йўлаги доирасидаги ҳамкорликни қайд этиш мумкин.

Мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1996 йилдан буён иқтисодиётимизнинг кўплаб соҳаларига сармоя киритиш орқали юртимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Осиё тараққиёт банки 2006 йилнинг март ойида Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ва дастурини тасдиқлаган. Алоқалар тобора фаоллашмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръати ва экспорт ҳажми жуда юқори, — деди Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти Ликун Жин. — Мамлакатингизда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат бераётган самара келажакда янада юксалишига ишонаман.

Президент Ислом Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга ташрифи асносида Ўзбекистон билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган эди. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

Аслида мазкур жамғарма билан ҳамкорлик анча олдин йўлга қўйилган. Хусусан, 1997 йилда жамғарма Нукус ва Урганч шаҳарларини ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган. 2005 йилда «Тўқимачи-Ангрен» темир йўлини электрлаштириш лойиҳасини молиялаштиришга қаратилган 20 миллион долларлик, 2006 йилда эса юздан зиёд туман «Тез тиббий ёрдам» марказини тиклаш ва жиҳозлаш лойиҳаси учун 20,75 миллион долларлик ҳужжатлар имзоланган.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директорининг ўринбосари Ҳишом ал-Вақоян мамлакатимиз истиқлол йилларида барча соҳаларда эришган ютуқларга юксак баҳо берар экан, ўзи вакил бўлган жамғарма Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Саудия тараққиёт жамғармаси ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этиб келади. Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) Халқаро тараққиёт жамғармаси эса ташкилотга аъзо ва ривожланаётган мамлакатлар билан нефть саноати соҳасида ҳамкорлик қилади. Абу-Даби тараққиёт жамғармасининг фаолияти йўллар, ҳаво ва денгиз бандаргоҳлари, электр таъминоти, қишлоқ хўжалиги, алоқа, турар жой бинолари қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, саноат ва сайёҳликни ривожлантириш каби кўплаб соҳаларга қаратилган.

Мазкур нуфузли халқаро молия ташкилотларининг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориж сармоясини жалб қилиш имкониятларини янада оширади ва ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун замин яратади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш ва Иқтисодиёт вазирликлари, "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниялари ҳамда "Ўзкоммунхизмат" агентлиги томонидан ушбу соҳаларга оид жами 26 лойиҳа тақдим этилди. Умумтаълим мактабларини қуриш ҳамда уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, Жиззах ва Сирдарё ирригация ва дренаж тармоқларини тиклаш, Хоразм вилоятида магистрал коллекторларни реабилитация қилиш, шунингдек, айрим тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳалар шулар жумласидандир.

Томонлар қишлоқ хўжалиги ва агросаноат, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизмат, кимё ва металлургия саноати, энергетика, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга доир соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашди. Лойиҳаларни ижро этиш жараёнини мувофиқлаштириш учун қўшма ишчи гуруҳи тузишга келишиб олинди.

Анжуман якунида мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва компаниялари билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо муассасалар ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

Шу куни Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегацияси аъзолари пойтахтимизда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалдаги ифодаси эканлиги таъкидланди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирдилар.

— Президент Ислом Каримовнинг миллий қадриятларни тиклаш ва ўзбек халқининг буюк аждодлари қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларга шахсан ўзи бошқош бўлаётгани бизни беҳад мамнун этди, — деди Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али. — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистоннинг ислом қадриятларини тиклаш ва ислом маданиятини ривожлантириш борасидаги юксак хизматларининг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Биз ташрифимиз асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлигимизнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдик. Айни пайтда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда ўсиб бораётган обрў-эътиборининг яна бир эътирофи эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли натижалар беришига ва ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланишига ишончимиз комил.

**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

**Инфратузилма**

***Қишлоқда яшовчи одамларнинг бири ўз ҳовлисида мол-қўй парваришласа, яна бири паррандачиликни хазиналар манбаи деб билади. Шу боис сут, қатиқ, тухум, мой излаб бозорга бормайди. Лекин бугунги кунда ҳаммаям бундай имкониятга эга эмас. Шу маънода, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қишлоқ аҳолиси учун айни муддао бўлди.***

# БАНК МАРКАЗИ ЧОРВАДОРЛАР ХИЗМАТИДА

Мазкур ҳужжат талаблари асосида жойлардаги молия-банк муассасалари ўзларини ҳам, жамиятни ҳам бой қилишга қўл урганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг Андижон филиалида Наслли қорамол ва паррандачилик билан шуғулланувчи фермерлар ва тадбиркорлар билан ишлаш маркази ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, у жуда қисқа вақт ичида шу тоифа аҳлининг молиявий жиҳатдан яқин кўмакчиси ва маслаҳатчисига айланди. Бу ерда бўлган киши, аввало, Интернет орқали ривожланган мамлакатларда парвариш қилинаётган наслли қорамоллар ва паррандаларнинг нархи, уларнинг маҳсулдорлиги ва бошқа шунга ўхшаш маълумотлар билан батафсил танишади. Ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади.

— Чорвачилик йўналиши бўйича фермерман, — дейди Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида истиқомат қилувчи Аъзамжон Ғозиев. — Ўтган йили банкдан кредит олиб, ўттиз бош қорамол харид қилгандим. Кейин билсам, уларнинг наслига эътибор бермаган эканман. Емиши бир хил-у, аммо маҳсулот бериши турли даражада денг. Янги марказга бориб, маслаҳат олдим. Энди фикру хаёлим наслни янгилаш бўлиб қолди. Шу боис зарур ҳужжатларни тайёрлаяпман.

— Марказ ёрдамида мен ҳам банкдан 10 миллион сўм кредит олдим, — дейди пахтаободлик хусусий тадбиркор Камолиддин Хурбоев. — Мақсадим — паррандачиликни йўлга қўйиш. Туманимиздаги улкан паррандачилик корхонасида наслчиликнинг издан чиқиши оқибатида гўшт берадиган товуқ билан тухумлайдиган парранда бир-бирига аралашиб кетди. Ана шу хатоларни тўғрилаш ниятидамиз.

Балиқчи туманида яшовчи яна бир тадбиркор Тўлқинжон Эгамбердиевнинг нияти ҳам Камолиддиннинг мақсадига ҳамоҳанг. Тўлқинжон ўз имкониятларини чамалаб, марказдан ёрдам сўради. «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки ўз ресурсларидан унга 6 миллион сўм маблағ ажратди.

Марказга жорий йилнинг ўтган ойлари давомида жами 63 та ариза тушди. Бу аслида одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгараётганидан, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат берарди. Шуни инобатга олган банклар 11 нафар мижозга 155 миллион 200 минг сўмлик кредит ажратди. Шундан 132 миллион сўмдан ортиғи «Асака» банки ҳиссасига тўғри келди.

Бу йил Андижон вилоятига минг бош зотдор қорамол келтириш кўзда тутилмоқда. Айни кунларда марказ ходимлари ана шу қорамолларнинг «Кимошди» савдосини ташкил этиш юзасидан жойларда ташкилий ва амалий ишларни амалга оширмоқдалар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ислоҳот**

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАН — ТАРАҚҚИЁТ САРИ

**Жарқўрғон туманида бу йил қарийб тўрт мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шу мақсадда мавжуд саноат корхоналари модернизация қилиниб, технологик жиҳатдан жиҳозланиши, уларда касаначиликнинг турли шакллари жорий этилиши керак.**

Мана, йилнинг олти ойи ўтди. Хўш, белгиланган режа қай даражада амалга ошмоқда?

— Модернизациялаш дастурига кўра, биз қайта қуриш-таъмирлаш ишларини июль ойида якунлаймиз, — дейди «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти иқтисодчиси Ўроқбой Ҳайдаров. — Туркиянинг «Ўздуронтекстил» фирмаси кўмагида бир ярим миллион АҚШ доллари қийматидаги бу лойиҳа якунланса, ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизнинг рақобатбардошлиги ошади, 100 дан зиёд янги иш ўринлари очилади.

Германия дастгоҳлари билан жиҳозланган «Сурхонтекстил» корхонаси маҳсулотлари ҳозирданоқ дунёнинг бешта мамлакати бозорларида муқим ўрин олган. Бу ерда йилига 5 минг тонна пахта толаси қайта ишланмоқда.

«Ўздуронтекстил» фирмаси ҳамкорлигида, шунингдек, «Жарқўрғон мослама қурилиш» масъулияти чекланган жамияти ҳузурида «Жартекс» қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. У ишга туширилса, йилига ўртача уч минг тонна пахта қайта ишланади, 400 га яқин киши ишли бўлади.

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида эса бугун тўрт турдаги нефть маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

— Бойсунда олиб борилаётган геология-қидирув ишларининг натижалари, айниқса, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг қуриб битказилаётгани олдимизга ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш вазифаларини қўймоқда, — дейди шу корхона бош директорининг ўринбосари Ҳасан Аллабердиев. — Қувватларни ошириш, хусусан, битум эмулсиясини ишлаб чиқариш учун янги жиҳозлар олиб келдик. Бу қўшимча равишда 30 нафар кишини ишга жалб этиш имконини беради.

«Эркин» хусусий корхонаси жамоаси илгари қурилиш ашёлари олди-сотдиси билан шуғулланарди. Энди улар шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Ишнинг биринчи босқичи — лойиҳа тасдиқланди, молиявий муаммо ҳал этилди. «Абдисалом-Асил» кичик корхонаси раҳбари ҳам коллеж ва мактаблар жиҳозларини ишлаб чиқариш тараддудида юрибди.

Шу йилнинг ўзида бу ерда 186 та иш ўрни яратилади.

Туман статистика бўлимининг бошлиғи Гулмуҳаммад Ҳазратқуловнинг айтишича, йил охиригача 300 тонна пиллани қайта ишлаб, 2,5 млрд. сўмлик ипак калава тайёрлайдиган корхона, элликтадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини технологиялар ишга туширилади. Шу мақсадда тадбиркорларга 57,7 миллион сўмлик микрокредитлар берилади. Янги корхоналарда касаначилик асосида 400 та шартнома расмийлаштирилади.

Буларнинг бари белгиланган режа уддаланишини кўрсатиб турибди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

